

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИСЛОҲОТ НАТИЖАЛАРИ

**Дадабоев Тулқинжон Юсупжонович,**  
иқтисод фанлари номзоди, НамМҚИ

*E-mail: [t\\_dadaboyev@mail.ru](mailto:t_dadaboyev@mail.ru)*

**Мирзаабдуллаева Гулнора Муҳаммаджон қизи,**  
НамМҚИ ўқитувчиси

*E-mail: [8003gulnora@gmail.com](mailto:8003gulnora@gmail.com)*

**Аннотация:** Қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат ва иқтисодиёт бошқа тармоқларининг хомашё маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мақолада ушбу соҳанинг мамлакатда оштрилаётган ислоҳотлар натижасида эришилган натижалар таҳлили ва уни ривожлантириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар баён этилган.

**Аннотация:** Сельское хозяйство играет решающую роль в удовлетворении потребностей населения страны в продовольствии и других секторах экономики. В статье излагаются рекомендации по анализу и развитию результатов этого сектора, достигнутые в результате проводимых в стране реформ.

**Abstract:** Agriculture plays a decisive role in meeting the needs of the country's population in food and other sectors of the economy. The article contains recommendations on the analysis and development of the results of this sector, achieved as a result of reforms being carried out in the country.

**Калит сўзлар:** иқтисодий ислоҳотлар, фермер хўжаликлари, модернизация, диверсификация, иқтисодий барқарорлик, рентабеллик.

### Кириш

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – уларнинг кенг қамровли ва серқирралиги билан ажралиб туради. Бунда албатта, мамлакат маънавияти, маданияти ва ўзига хос менталитети ҳамда ҳозирги кунда халқ манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилишида намоён бўлади. Зеро, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланувчи, барқарор ривожланган ва самарали иқтисодиётни барпо этиш кўплаб соҳаларда, шу жумладан, аграр соҳадаги туб ўзгаришларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотларнинг вақт ўтиши билан такомиллашуви янги типдаги хўжалик юритиш шаклларини вужудга келтириш вазифасининг ҳал этилишини ҳам ўз таркибига олади. Бунда асосий мақсад ҳар бир шаклнинг ўзига хос хусусияти, иқтисодий табиати, турли муаммо ва зиддиятларни ҳал этиш борасидаги имкониятларидан келиб чиққан ҳолда

ташкил этиш ва ривожлантиришдан иборат. Айнан шу ҳолатлар Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги фармонида ҳам ўз аксини топган.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши ундаги ҳар бир тузилманинг самарали фаолиятига боғлиқ бўлиб, қай бир хўжалик юритиш шаклини кенг ривожлантириш зарурлиги масаласига ҳам биринчи навбатда самарадорлик нуқтаи-назаридан ёндашиш талаб этилади. Тўғри, аксарият ҳолларда иқтисодий самарадорлик билан бир вақтнинг ўзида ижтимоий масалалар – иш билан бандликнинг таъминланиши, етарли даражадаги даромадга эга бўлиш, ижтимоий таъминланганлик ва бошқа муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратиш лозим бўлади. Бироқ, шундай ҳолатларда ҳам бу шаклларнинг иқтисодий самарадорлигини назардан қочирмаслик, уларга устуворлик беришда таққослама афзаллик тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, юқорида тилга олинган фармонда кўп тармоқли фермер хўжаликларини хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари сифатида белгиланиб, ривожланиш устуворлиги келажакда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиси, уни қайта ишловчи, реализация қилувчи ва сотувчига айланувчи фермер хўжаликларига қаратилган. Чунки, айнан фермер хўжаликларида мавжуд иқтисодий ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиб, юқори даражадаги самарадорликни таъминлаш устун равишда амалга ошади.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларининг имкониятлари жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатлари қишлоқ хўжалиги тажрибасидан маълумки, айнан фермер хўжалигининг иқтисодий табиати аграр соҳанинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ тушиб, ишлаб чиқарувчининг манфаатдорлигини таъминлаш борасида бошқа хўжалик юритиш шакллари ичида етакчи ўрин тутди. Бу эса ўз навбатида ушбу соҳа доирасида олиб бориладиган тадқиқотлар заруриятини ва мавзуларнинг долзарблигини белгилайди.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Аграр соҳадаги хўжалик шакллари, хусусан фермер хўжаликларидаги турли ташкилий-иқтисодий муносабатлар, шу жумладан, бу хўжаликлар иқтисодий фаолиятини самарали ташкил этиш муаммолари Ю.С.Баландин[2], В.Ф.Башмачников, З.Кайяли [3], А.А. Коньгин [4], Ю.Д.Корнилов [5], В.А.Мартинов [6], В.Пчелинцев, А.А.Чаянов [7] каби хориж иқтисодчилари томонидан кенг тадқиқ этилган. Шунингдек, мамлакатимизда аграр хўжаликнинг янги типи сифатидаги фермер хўжаликларининг таркиб топиш ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони 2017 йил 9 октябрь. www. Lex.uz.

амал қилиш хусусиятлари А.А.Абдуғаниев, Ҳ.П.Абулқосимов [8], А.А.Раджапов [9], Р.Ф.Султонов, Т.Х.Фарманов [9], А.Хуррамов [10], Н.С.Хушматов, Ш.Ш.Шодмонов, Ш.Э.Қаршиев [11], У.В.Ғафуров [12] ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Бироқ, юқорида санаб ўтилган иқтисодчи-олимлар илмий тадқиқотларининг аксарияти аниқ қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти нуқтаи-назаридан амалга оширилган бўлиб, уларда ҳозирги иқтисодиётни таркибий ўзгаришлар асосида назарий тавсифдаги қоидаларга етарлича эътибор берилмаган. Бу эса мазкур хўжаликлар иқтисодий фаолиятини самарали ташкил этишнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишларни олиб борилишини тақозо этади.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, статистик гуруҳлаш, қиёсий ва тизимли таҳлил, мантиқий, монографик ва бошқа усуллар қўлланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат, иқтисодиёт бошқа тармоқларининг хомашё маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Мазкур тармоқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Иқтисодиётдаги ҳар қандай хўжалик фаолияти муайян хўжалик юритиш шакллари орқали амалга оширилади. Шунга кўра, тармоқ ёки фаолият туридан қатъи назар, барча хўжалик юритиш шакллари иқтисодий мазмуни намоён бўлишининг умумий тамойиллари мавжуд. Бундай тамойиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:


- муайян мулкчилик муносабатларини мужассамлаштириш ва амалга ошириш;
- мулк эгасининг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришига имкон яратиш;
- хўжалик аъзолари ўртасидаги манфаатлар муштараклиги ва ўзаро мувозанатини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришнинг юқори даражадаги самарадорлигига эришишга интилиш;
- хўжалик аъзоларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тақсимланиши жиҳатидан ўзаро мувофиқликни таъминлаш.

Ушбу тамойилларни рўёбга чиқариш даражаси, усул ва воситаларига кўра хўжалик юритиш шакллари бир-биридан фарқланади. Хўжалик юритиш шаклларининг турличалигига иқтисодиёт тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, аграр соҳадаги мавжуд шакллар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муҳим ўрин тутувчи табиий-биологик омилларни ҳам тўлиқ эътиборга олишни талаб этади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиш учун амалдаги хўжалик юритиш шакли ўзида эркинлик, маҳаллий хусусиятларни

ҳисобга олиш, хўжалик юритиш чора-тадбирлари, уддабуронлик ва тадбиркорлик, бозор алоқалари, рақобат ва бошқа жиҳатларини мужассамлаштириши лозим. Акс ҳолда, тармоқнинг ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмай, натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимиз аҳолиси ҳаётининг фаровонлиги, қишлоқ хўжалигининг истиқболдаги тараққиёти фермер хўжалиklarининг ҳар томонлама ривожланиши билан боғлиқ. Зеро, хўжалик юритишнинг бу шакли ривожланган мамлакатларнинг узоқ даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжалиklarининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилмоқда ва имкониятлар эшиги очилиб, меъёрий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида олиб борилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар амалда ўз ифодасини топган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.



### 1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2000 йилда 1999 йилга нисбатан жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3,1 фоизга, деҳқончилик маҳсулотлари 3,1 ва 3,0 фоизга ўсган бўлса ушбу кўрсаткичлар 2000 йилдан 2016 йилгача бўлган даврларда мос ҳолда ўртача ўсиши 5,8 фоиз, 6,0 фоиз ва 5,5 фоизга тенг бўлган. Мазкур таҳлил натижасидан қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам барқарор иқтисодий ўсишга эришилганидан далолатдир.

Аммо таъкидлаш жоизки, бундай ижобий ўзгаришлар ҳанузгача соҳада фойдаланилмаётган имкониятларнинг жумладан, республикада фаолият

юритиб келаётган паст рентабелли қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг мавжудлиги ва ер ресурсларидан фойдаланишда қўйилаётган камчиликларга барҳам беришни талаб этмоқда. Худди шу каби тадбирларни 2016 йилда амалга оширилиши яъни паст рентабелли ер майдонларини қисқартириш, улар негизда мустақкам моддий техника базасига эга бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ташкил этиш чора-тадбирлари, жами қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер хўжаликлари улушининг 2000 йилдаги 5,5 фоиздан 2016 йилда 32,9 фоизгача кўпайишида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар улушини эса 2000 йилдаги 27,8 фоиздан 2016 йилда 2,0 фоизгача камайишида ўз ифодасини топди.

Ушбу чора-тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, ерни ўз эгасига топширилиши бунинг натижасида ерга ўз вақтида агротехник хизматларни бажарилиши орқали ҳосилдорликни оширишга эришилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги (ц/га)

	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2016 йилни 2000 йилга нисбатан ўзгариши %
<b>Дон ва дуккакли дон экинлари, жами</b>	28,2	40,7	44,2	45,3	45,0	159,6
Пахта	21,8	25,3	25,4	25,9	23,4	107,3
Картошка	129,3	170,3	194,9	219,1	225,1	174,1
<b>Сабзавотлар, жами</b>	183,8	215,8	252,5	271,0	271,1	147,5
Озиқбop полиз	132,4	169,1	192,6	203,6	209,4	158,2
<b>Мева ва резаворлар</b>	56,9	62,3	92,6	128,1	134,1	235,7
Узум	63,1	64,7	90,8	133,1	141,9	224,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

1-жадвал маълумотларига асосан 2016 йилда ўртача 1 гектар экин майдонидан йиғиб олинган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг 2000 йилга нисбатан таҳлили, дон экинларининг ҳосилдорлиги 16,8 центнерга, пахта – 1,6 центнерга, картошка – 95,8 центнерга, сабзавотлар – 87,3 центнерга, полиз – 77,0 центнерга, мевалар – 77,2 центнерга, узум – 78,8 центнерга кўпайганлигини кўрсатди

Умуман олганда мамлакатимиздаги фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳосилдорлиги бўйича кўрсаткичлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу борада фермер хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг таъсири ҳам муҳим аҳамият касб этади.

#### Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотдан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ҳозирги шароитда фермер хўжаликлариغا етарли даражадаги инфратузилма соҳасини яратиб беришни

давлат ўз зиммасига олиши керак. Давлат томонидан инфратузилма объектларини ташкил этишнинг билвосита усули сифатида:

- давлат томонидан ихтисослашган банк муассасаларида фермер хўжаликлари инфратузилмасини ташкил этишга йўналтирилган, узоқ муддатли мақсадли кредит линиясини ташкил этиш;

- кредит маблағларини фақат фермер хўжаликлари томонидан олинишини таъминлаш;

- муайян ширкат хўжалигида тузилган, ҳудуд жиҳатидан яқин бўлган бир неча фермер хўжаликларининг мазкур кредит маблағларини бирлаштирган ҳолда кўп йўналишли фермер хўжалиги кооперациясини ташкил этиши;

- фермер хўжалиги кооперациясида унинг таъсисчи-аъзолари бўлган хўжаликлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолдаги хизмат турларининг йўлга қўйилиши ва уларда собиқ ширкат хўжалигидан бўшаган ишчиларнинг банд бўлиши;

- фермер хўжалиги кооперативининг ўз таъсисчи-аъзоларига бепул ёки имтиёзли асосда (таъсисчиларнинг ўзаро келишувига кўра), бошқа хўжалик юритувчи субъектларга эса – тижорат асосида хизмат кўрсатиши; кооператив фойдасининг бир қисмини давлат кредитини қайтаришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир..

Шуни ҳам айтиш лозимки, хўжалик қандай шаклда бўлмасин ҳар бир хўжалик юритиш шаклининг самарадорлиги унинг қуйидаги функцияларни қай даражада муваффақиятли амалга ошира олиш даражасига боғлиқ:

- ишлаб чиқариш омилларини қайта тақсимлаш;

- ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат натижаларининг юқори даражасига эришишга рағбатлантириш;

- иқтисодий манфаатларнинг ўзаро мувозанатини таъминлаш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Баландин Ю.С. Крестьянское хозяйство. – М.: Агропромиздат, 1992.
2. Кайяли З. Становление фермерских хозяйств//Вопросы экономики, №9, 1990, с.120-123.
3. Коньгин А.А. Многоукладность в сельском хозяйстве//США: Экономика, политика, идеология, №12, 1989, с.3-11.
4. Корнилов Ю.Д. От личного подворья – к семейной ферме // Экон. с.-х. и перераб. пред., №2, 1990, с.54-55.
5. Мартынов В.А. Фермерская кооперация // Фермер, №11-12, 1992, с.19-21.
6. Чаянов А.В. Крестьянское хозяйство: Избранные труды / Редкол. сер.: Л.И.Абалкин (пред.) и др. – М.: Экономика, 1989.
7. Абдуғаниев А.А., Абулқосимов Ҳ.П ва бошқ. Мулк, меҳнат, манфаат ва масъулият // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, №8, 2003, 31-32-б.

8. Раджапов А.А. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлиги (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс., Т., 2000.

9. Фарманов Т.Х. Фермер хўжалиklarини ривожлантириш истиқболлари. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 144 б.

10. Хуррамов А. Фермер хўжалиklarини устувор ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, №3-4, 2004, 50-51-б.

11. Қаршиев Ш.Э. Фермер хўжалиklarида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. Т.,1998.;

12. Ғафуров У.В. Деҳқон (фермер) хўжалиklarининг иқтисодий табиати ва ривожланиш хусусиятлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. Т., 1995.